ОБЪЕКТИВ РЕАЛЛИК ВА НУТҚИЙ ФАОЛИЯТ

Ш.М. Искандарова, Т.С.Мўминова

Мақолада тил ва борлиқ муносабати хусусидаги олимларнинг қарашлари, объектив борлиқ ва нутқий фаолиятнинг шаклланиши тўғрисидаги фикрлар баён қилинади.

Калит сўзлар: *лексик категориялар, номинатив бирликлар, мураккаб кодлар системаси, гносеологик ёндашув, объектив реаллик, денотат, референт, субстанционал, функционал.*

В статье изложены точки зрения ученых об отношении языка и реальности, их идеи о формировании объективной реальности и речевой деятельности.

Ключевые слова: *лексические категории, номинативные единицы, система сложных кодов, гносеологический подход, объективная реальность, денотат, референт, субстанциональный, функциональный.*

This article contains opinions experts on of language and entity, thoughts about objective reality and emerging of speech process are presented.

Key words: *lexical categories, nominative units, a system of complex codes, gnoseological approach, objective reality, denotation, referent, substantive, functional.*

Маълумки, файласуфлар тил ва борлиқ муносабати юзасидан турлича фикрларни баён қилдилар. Шу сабабли файласуфларнинг тил ва борлиқ алоқасига бўлган муносабатига ёндашув бўйича бир қанча йўналишлар вужудга келди. Уларнинг бир гуруҳи тил ва борлиқ алоқасига бўлган муносабатга ёндашув масаласида улар узвий алоқадор, тил бевосита объектив оламни ифодалайди деган тезисни баён қилсалар, бошқа файласуфлар тилнинг борлиқ билан бўлган муносабатини рад этадилар.

Тилнинг борлиқ билан бўлган муносабатини эътироф этувчи айрим файласуфлар объектив оламни ифодалашда субъектнинг ролини тан оладилар, объектив олам онг орқали тилда ўз ифодасини топишини баён қиладилар [1.7]. Айримлари эса тил объектив оламни бевосита ифодалашини эътироф этадилар. Улар борлиқ элементлари билан тил бирликлари ўртасида номувофиқлик мавжудлигини асос қиладилар [2.17].

Жумладан, Р.А.Будаговнинг таъкидлашича, лексик категориялар, номинатив бирликларгина эмас, балки грамматик категориялар ҳам объектив борлиқ билан боғланади. Чунки объектив борликда нарсалар, ҳаракатлар, ҳодисалар қанчалик мавжуд бўлса, уларнинг белгилари, муносабатлари ҳам шунчалик мавжуддир. Лекин лексик бирликларга нисбатан грамматик бирликларнинг умумлаштириш даражаси кучлироқ саналади. Баъзан грамматик бирликлар билан объектив борлиқ ўртасида номутаносиблик ҳолатлари ҳам бўлиши мумкин [3.15-16].

Мазкур муносабатни ёритишда икки хил йўналиш мавжуд бўлиб, бирида тил шаклларидан борлиққа, иккинчисида борлиқдан тил шаклларига эътибор қаратилади. Хусусан, Г.Паулнинг “Тил тарихи тамойиллари” асарида ёш грамматикачиларнинг қарашлари баён қилинади ва унда “шаклдан маънога” тамойилига асосланилади [4]. Бироқ ёш грамматикачиларда жинс, сон сингари категориялар у ёки бу тилда қандай ифодаланиши борасида фикр юритилганда, “мазмундан шаклга” тамойили ҳам кўзга ташланади.

Француз тилшуноси Ф.Брюнонинг қарашлари асосида турли хил идеографик асарлар яратилди, бундан кўринадики, унда “мазмундан шаклга” тамойилига асосланилади. Ҳар икки йўналишнинг ўзига хос ютуғи ва чекланган томонлари мавжуд. Тил ва борлиқ муносабатини объектив ёритмоқ учун ҳар икки йўналиш узвий боғлиқликда олиб борилмаса, албатта, бирёқламаликка йўл қўйилади. Шунинг учун ҳам Ф.Брюно “маънодан тил ифодасига” тамойилида иш кўриб, маълум бирёқламаликка йўл қўяди. Тилшунослик тарихида катта ютуқларга эришган А.А.Потебня, А.А.Шахматов, Л.В.Щерба, В.В.Виноградов сингари олимлар борлиқ – тил муносабатини ёритишда икки томонлама ёндашувга – “мазмундан шаклга, шаклдан мазмунга” тамойилига амал қилганлар.

Машҳур руҳшунос А.Р.Лурия таъкидлаганидек, ҳайвон тили билан инсон тили ўртасидаги фарқ шундаки, инсон тили энг мураккаб ахборотларни

Ш.М.Искандарова *– ФарДУ тилшунослик кафедраси профессори, филология фанлари доктори;*
Т.С.Мўминова *– ФарДУ филология факультети талабаси.*

ифодалай олишга эга бўлган мураккаб кодлар системасидир. Ҳайвон тили эса бундай хусусиятга эга эмас. Агар киши бирор сўзни айтадиган бўлса, у муайян предметни номлабгина қолмасдан, уни маълум алоқа ва муносабат системасига ҳам олиб киради [5.12].

Инсон онги орқали акс этган объектив олам маълум объектлар системасидир. «Онгга гносеологик жиҳатдан ёндашиш унинг фаолиятини, оламни билиш воситаси эканлигини эътироф этиш демакдир. Онгнинг муҳим белгиларидан бири шундаки, у тушуниб етилган билимдир. Инсон мия ёрдамида фикр қилади. Онгнинг маъноси предметни билиш, ўзлаштириш, унинг моҳиятини очиб беришдан иборат. Онг фақат объектив оламнинг инъикосини эмас, балки инсоннинг ўз руҳий фаолиятини англашини ҳам ўз ичига олади. Онг воқеликнинг ҳам ақлий, ҳам ҳиссий инъикосини қамраб олади. Шунингдек, у инсон ҳиссиётларини, иродасини ҳам ўз ичига олади [6.182].

Илмий адабиётларда объект тушунчасига ҳам турлича ёндашилади. Объект деганда, субъектнинг амалий ва билиш фаолияти доирасига тортилган объектив реалликнинг муайян қисми тушунилади [7.26].

Шундай қилиб, объектив борлиқ нутқий фаолият орқали ўз ифодасини топади. Р.А.Будагов систем-структур тилшунослик тарафдорларини тил системасидан объектив борлиқни узиб қўйганликда айблайди. Лекин шуни таъкидлаш керакки, Ф.де Соссюр асарларида ҳам, ундан кейинги структуралистлар асарларида ҳам тил белгилари орқали объектив оламнинг ифодаланиши рад этилган эмас. Систем-структур йўналиш тарафдорлари тил орқали ўз ифодасини топган объектив реалликни турли атамалар билан (денотат, референт ва бошқалар билан) номлайдилар. Моддий қобиқ остида ифодаланган борлиқни ифодаловчи маъно денотатив маъно, референт маъно, номинатив маъно сингари атамалар билан юритилади. Шунинг ўзиёқ бугунги кунда тилнинг борлиқ билан бўлган алоқаси деярли барча тилшунослар томонидан эътироф этилишини кўрсатади.

Шундай қилиб, В.фон Гумбольдт томонидан айтилган ва Ф.де Соссюр номи билан машҳур бўлган тилнинг белгилар системаси экани ҳақидаги қараш илмий жамоатчилик ўртасида кенг тарқалди.

Ҳар қандай сўз лингвистлар томонидан қандай талқин қилинишидан қатъи назар, объектив борлиқни онг орқали – акс эттириш босқичи воситасида ифодалайди.

Объектив борлиқ умумлашган образлар орқали, тил белгилари орқали ўз ифодасини топади. Бугунги кунда тилнинг белгилар системаси эканлигини деярли барча тилшунослар эътироф этдилар. Ҳатто ўтган асрнинг ўрталарида тилнинг белгилар системаси эканлигини рад этувчи айрим олимлар ҳам кейинчалик тилнинг белгилик табиатини эътироф эта бошладилар [8.100].

Хусусан, «белгининг икки томонлама табиати мавжуд эканлигини эътироф этувчи тилшунослар таянган асосда белги маънога эга эканлиги билан белгидир. Бироқ бу фикрдан белги икки элементдан ташкил топган бир бутунлик (комбинация) дир»,- деган хулоса чиқариб бўлмайди.

Белгининг бир томонлама эканини маъқулловчилар маънони белги таркибига киритиш ёки киритмаслик ёхуд белгининг бирёқлама ва иккиёқлама моҳият эканлигини тан олиш кўп жиҳатдан маъно табиатини турлича тушуниш билан боғлиқлигини кўрсатадилар. Ҳозирги кунда маънони муносабат тури ва идеал акс эттириш сифатида икки хил тушуниш мавжуд.

Маънони муносабат тури сифатида тушунилганда, белгининг ифодаланмиш предметга муносабати ҳамда тушунчага муносабати назарда тутилиб, унда белгига икки томонлама моҳият сифатида ёндашишга асос мавжуд бўлади. Профессор А.Нурмоновнинг талқинича, маънони тушунча билан бир хил тарзда инъикос категорияси сифатида, айни пайтда, онг факти сифатида тан олиш маънони белги таркибига киритишга монелик қилади ва белгини бир томонлама моҳият деб қарашга асос бўлиб хизмат қилади [9.12].

Белгининг икки томонламалиги тан олинган йўналишда маъно белгининг ифодаланаётган предметга муносабати сифатида талқин этилади, белгининг бир томонламалиги йўналишида эса маънога муносабат сифатида ёндашув тўғри эмаслиги таъкидланади [10.19].

И.П.Сусов «ифодаланмишнинг тилдаги зидланган аъзоси яхлит белгининг барча томонини ташкил этмай, балки унинг фақат субстанционал томонини ташкил этади», - дейди. Бу томон белгининг ифодаланмиши ҳисобланади. Белгининг бошқа томони эса маъно саналади. Маъно тил ифодасининг тилдан ташқаридаги ифодаланмишга нисбатан муносабатини ифодалайди ва шу асосда маъно белгининг субстанционал ва функционал томонларини бир бутун тарзида шакллантиради. Лингвистик белги маъносини аниқлашнинг мураккаб эканини лингвистик белгининг бир вақтда бир неча вазифада келишини таъкидлаган

А.А.Уфимцева белги шаклининг ифодаланмиш билан муносабати икки томонлама эканлигини қайд этади:

1) ифодаланмишнинг белги шаклига муносабати;

2) ифодаланмишнинг предметга муносабати.

Дастлабкиси маъно, иккинчиси ифода саналади. Белги маъносининг шаклланишида белги-предмет ҳақидаги тушунча-предмет ўзаро боғланган ҳолда маълум даражада акс этади.

Белги билан ифода предмети ўртасидаги алоҳида муносабат остида инсон онги орқали юзага чиқадиган алоқа тушунилади [11.14].

Юқоридагилардан кўринадики, белги маъноси ифодаланмиш билан тенг бўлмай, ифодаланмиш белгидан ва тилдан ташқарида қолади. Маъно эса белгининг бир томонини ташкил этади ва тил мақомига эга бўлади.

Адабиётлар:

1. Сусов И.П. Семантическая структура предложения. – Тула, 1973.
2. Ломтев Т.П. Общее и русское языкознание.- М.: Наука,1976.
3. Будагов Р.А. Язык – реальность – язык.- М.: Наука, 1982.
4. Пауль Г. Принципы истории языка.- М.: Изд. иностр. лит. 1960.
5. Лурия А.Р. Язык и сознание. – М.: МГУ, 1979.
6. Туленов Ж., Ғафуров З. Фалсафа.- Тошкент: Ўқитувчи, 1997.
7. Сычев Н.И. Диалектический путь познания объективной реальности. – М.: ВШ, 1975.
8. Резников Л.О. Неопозитивитская гносеология и знаковая теория языка// Вопросы филолософии. – 1962.- №2.- С.100.
9. Нурмонов А. Лингвистик белги хусусиятлари ҳақида. – Андижон, 1992.
10. Солнцев В.М. Языковой знак и его свойства // ВЯ. -1977.- №2.- С.19.
11. Искандарова Ш.Тил системасига майдон асосида ёндашув.- Т.: Фан, 2007.

2015 йил 10 февралда қабул қилинган,
(Тақризчи: ф.ф.д..Д.Набиева)